

бор интернетга қарамликни аниқловчи йигирма саволдан иборат тестни эълон қилди. Кимберли Янг 2017 йил 15 сентябрда интернетда эълон қилинган «Диагноз – интернетга қарамлик» номли мақоласида мазкур касаллик юзасидан шикоят қилаётган пациентларнинг сони тобора ортиб бораётганини шарҳлаб берди.

Мусулмон инсон эса доимо, жумладан, интернетдан фойдаланишда ҳам умрининг ҳар лаҳзаси борасида охиратда сўралишини зинҳор унутмайди.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Қиёмат куни одам боласининг қадами то ундан беш нарсга ҳақида: умрини нимага сарфлагани, ёшлигини нимага кетказгани, молини қаердан касб қилгани ва нимага сарфлагани, билганига қандай амал қилгани ҳақида сўралмагунча, Раббининг ҳузуридан узилмайди». (Термизий ривоят қилган.)

Кўпгина социологлар интернетга қарамликнинг ўсмир руҳиятига таъсири ҳақида унинг интернет орқали тезда жамиятга киришиб кетиши, яъни ижтимоийлашуви содир бўлишини эътироф этадилар. Содда айтганда, ёш йигит ҳали реал ҳаётда кўпчилик билан танишиб улгурмай, компьютер орқали бутун дунё билан мулоқот қилиши мумкин. Интернет мана шундай улкан имкониятни тақдим этади. Лекин, ҳали шахс сифатида шаклланмаган, ўзининг мустақил фикри ва соғлом дунёқарашга эга бўлмаган ёш учун интернет муайян даражада хавфли ҳудудга айланади. Сабаби, инсонлар билан муомала қилишда ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган ёш ўсмир билиб-билмай турли деструктив гуруҳлар, бузғунчи кучлар, одам савдо-

си билан шуғулланувчи жиноий тўдалар таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Хулоса ўрнида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида билдириб ўтган фикрларини келтирмоқчимиз:



«Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради.

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб қолмолига етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз».

Наргиза ШОАЛИЕВА,
ЎзХИА «Мумтоз шарқ адабиёти ва
манбашунослиги» кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди



СУҲРОБ СИПЕХРИЙ ИЖОДИДА ЯРАТГАННИ АНГЛАШ ИФОДАСИ

Суҳроб Сипеҳрий ижодида шундай мавзулар борки, уларни ўрганмасдан ва тадқиқ этмасдан туриб, истеъдодли рассом ва файласуф шоир шеъриятининг асл моҳиятини очиб бериб бўлмайди. Инсоният ва илоҳийлик ўртасидаги робита ёки бошқача айтганда, инсоннинг Худога эътиқоди масаласининг бадий инъикоси С.Сипеҳрий шеъриятида ана шундай мавзулардан бири ҳисобланади.

С.Сипеҳрий инсон ва Худо ўртасидаги алоқани ва умуман, Худога эътиқод масаласини қаламга олишдан аввал, инсоннинг ўзи ҳақида фикр юритади. Унинг нигоҳида инсон – абадий бир йўловчи. Бу йўловчи туғилишдан олдин ҳам, туғилиш жараёнида ҳам, туғилишдан кейинги ҳаётида ҳам, оламдан кўз юмиш жараёнида ҳам доимий ҳаракат ва доимий сайру сафарда бўлади. Ана шу доимий ҳаракат ва сайру сафар жараёнида С.Сипеҳрий тасвирлаган инсон

«Мен кимман?», «Қаердан келяпман?» ва «Қаерга кетяпман?» деган саволларга жавоб излайди. Шоирнинг «мен»и ўзини ва ўзлигини англаш йўлидаги изланишлари давомида юқоридаги саволларга жавоб топгандай бўлади. Унинг жавоб топиши «тавҳид» масаласи билан бошланиб, Худони англаш ва ўзича «кашф этиш» билан хулосаланади.

Шоирнинг «тавҳид» – Аллоҳ таолонинг ягоналиги масаласига таважжуҳи унинг «Қуёш парчалари» тўпламидан жой олган «Осудалигимиз соябони ўзимиз» номли шеъри билан бошланади:

در هوای دوگانگی، تازگی چهره
ها پژمرد
بیایید از سایه – روشن برویم.
«سایبان آرامش ما، ماییم»¹

*Иккилик фазосида
чеҳраларнинг лато-
фати сўнди.*

*Келинлар, соядан ёруғликка чиқай-
лик.*

Шоир бу ўринда «иккилик» деганда дуализм – «моддий ва руҳий субстанцияларни тенг ҳуқуқли асослар деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот»ни назарда тутган. Бу таълимот бўйича, материя ҳамма вақт ёвузлик тимсолидир. Дуализм таълимоти вакилларининг (масалан, Декарт) фикрича, Худо ҳеч маҳал дунёни яратиши мумкин эмас².

Сипехрий жуфт тушунчалар (масалан, зардуштийлик таълимотидаги Аху-

ра Мазда ва Аҳураманъё) ғоясига асосланган дуализм (ўрта асрларда «санавият» деб аталган) таълимоти инсониятга ҳеч қандай наф бера олмаслиги, аксинча, инсонларни умидсизлик ва тушкунликка туширганини (чунки бу икки куч ўртасидаги аёвсиз кураш абадул-абад давом этади) таъкидлар экан, ёруғ ва саодатли йўл – ваҳдоният йўлидан боришни тавсия этади.

Шеърнинг бошланишидаги бу чақириқ шеърнинг охиригача давом этади.



Муаллиф инсонларни фаолиятга, ҳаракат ва камолотга чорлар экан, «шабнам лабида туриш» ва «япроқ устига қўниш»-га, яъни қалбларни поклаб, қушдай енгил бўлишга даъват этади. Шеърдан шундай хулоса келиб чиқадики, инсон ёвузлик ва эзгуликни бошқарадиган қандайдир мавҳум кучларга эмас, балки ягона Худога эътиқод қилиб яшаши лозим. Аммо руҳий осудаликка эришиш инсоннинг ўз қўлида. Инсон фақат ёруғ йўлдан бориш ва бу сайру сафар жараёнида эзгу ишларни амалга ошириш орқали саодат – виждон осудалигига эришиши мумкин.


«Тавҳид»³, яъни Аллоҳнинг бирлиги масаласи С.Сипехрийнинг Жалолиддин Румий ғазаллари куллийети – «Девони Шамс» таъсири остида ёзилган «Ғам-

«Тавҳид»³, яъни Аллоҳнинг бирлиги масаласи С.Сипехрийнинг Жалолиддин Румий ғазаллари куллийети – «Девони Шамс» таъсири остида ёзилган «Ғам-

³ Н.Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996; Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1999; Джавад Нурбахш. Духовная нишета в суфизме. Великий демон иблис. – М.: Оптимус лайт, 2000; Джавад Нурбахш. Услыш флейтиста: Суфийская проза и поэзия. – М.: Когелет, 1999; Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.:1989.

¹ سهراب سپهری. هشت کتاب، ص ۱۷۲

² Қаранг: Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Шарқ, 2004. –Б. 114.



нинг шарқи» номли тўпламидан жой олган шеърларининг асосий мавзуларидан бири ҳисобланади. Жумладан, унинг «То» номли шеърида ҳеч кимники бўлмаган идеал бир шаҳар тасвирланади. Бу ҳеч ким билмайдиган ва ҳеч ким кўрмаган шаҳар С.Сипеҳрий тасаввурида мавжуд ва бор бўлган макон. Абу Наср Форобийнинг «фозил одамлар шаҳри» ҳақидаги назариясини эслатадиган бу шаҳар аҳолисининг қўлида «гўзаллик косалари» ва лабларида «донолик (фозиллик, донишмандлик)нинг аччиқ таъми» (чунки қаерда фозиллик бўлса, аччиқ ҳақиқат ҳам ўша ердадир) бор:

شهر تونی، شهر تونی،
در کف ها کاسهء زیبایی، بر لب ها،
تلخی دانایی⁴ («تا»)

*Сенинг шаҳрингмас, сенинг шаҳрингмас,
Кафтларда гўзаллик косаси,
Лабларда доноликнинг аччиқ таъми.*

Бу шаҳарга «ўзлик уйини бўшатиб», «иккилик (дуализм, санавият) жомини синдириб», «Бир» (Тавҳид) сояси остида макон ва замонни унутган кишигина кириб бора олади:

⁴ سهراب سپهری. هشت کتاب، ص ۲۴۸



آمده ام، آمده ام،
درها ر گذر باد عدم
خانه و خود وارسته، جام
روئی بشکسته، سایه «يك»
رؤى زمين، روى زمان.⁵

*Келганман, келган-
ман, эшиклар «йўқлик»
шамоли ўтиш жойи-
да,*

*Уйни «ўз»дан бў-
шатиб, «иккилик»нинг
жомини синдириб,
Замин узра, замон
узра «бир»нинг сояси.*

С . С и п е ҳ р и й
шеърларидаги «иде-
ал шаҳар» билан
боғлиқ тасаввурлар,
бир томондан, унинг
ижтимоий-сиёсий қа-
рашларининг ифо-
даси бўлса, иккин-
чи томондан, унинг
илоҳийликка бўлган
муносабатининг ҳо-

силасидир. Мисол учун, «Пўшт-э дарёҳо»
(«Денгизлар ортида») номли шеърда
«деразалари тажаллий (илоҳиёт олами)
томонга қараб очилган» шаҳар ҳақида
сўз боради. Сипехрийнинг ҳақиқатга
оид тасаввур ва тафаккури асосида «қу-
рилган» бу шаҳарда устура (мифология,
афсона, тарихий даврнинг бошланиши-
гача бўлган давр), тарих (ўтмиш) деган
тушунчалар йўқ. Бу шаҳарда «аёл» ҳам
аёл эмас. Бу шаҳарда фақат мангу ва
абადий тажаллий (илоҳиёт оламининг

борлиққа тажаллийси) мавжуд. Ёвузлик
ва ёмонликдан йироқ, меҳр-муҳаббат ва
имонга тўла бу шаҳарнинг ҳар бир гўда-
ги қўлида маърифат шохчаларини кўта-
риб юради:

پشت دريا ها شهرى است
که در آن پنجره ها روبه تجلى باز است.
بام ها جای کبوتر هاىی است که به فواره هوش بشرى
مى نگرند
دست هر کودک دهساله شهر
شاخهء معرفتى است.⁶

Денгизлар ортида бор ёлғиз шаҳар,
Бир шаҳарки деразалари
тажаллий томонга очилган.
Томларига башар ақлининг
фавворадек отилишига
қараётган кабутарлар ин қурган.
Бу шаҳарнинг ўн ёшдаги ҳар бир
гўдаги

қўлларида маърифатнинг шохчала-
ри ҳилпирар⁷.

Форобийнинг «фозиллар шаҳри» ва
Жомийнинг «озод ва обод шаҳри»ни
эслатадиган бу шаҳар дунёда мавжуд
бўлмаган, «идеал» шаҳардир. Бу шаҳар
инсонларга тааллуқли шаҳар эмас, бал-
ки осмонларга – илоҳиёт оламига ман-
суб шаҳардир.

С.Сипехрий шеърларида инсоннинг
Худого ва Худонинг инсонга яқинли-
ги қайта-қайта такрорланади. Бу фикр
С.Сипехрий онгида шунчалик «илдиз»
отганки, унинг тахминан ҳамма шеър-
ларида шу фикрнинг поэтик талқинини
пайқаш мумкин. Бу тасодикий ҳол эмас,
албатта. Биринчидан, С.Сипехрий му-

⁵ Уша китоб, 249-бет. هشت کتاب، سهراب سپهرى.

⁶ سهراب سپهرى. هشت کتاب، ص ۳۶۴

⁷ Туйғулар япроғи: ҳозирги замон Эрон шеърляти. –Б. 165.

сулмон шоир ва ориф сифатида Қуръони карим оятларидан файз ва илҳом олган. Айниқса, Қуръоннинг ориф шоирлар учун ҳамиша далил бўлиб келган қуйидаги ояти С.Сипехрийнинг теологик дунёқарашига катта таъсир кўрсатгани шубҳасиздир:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ وَ نَعْلَمُ مَا تُوَسْوِسُ بِهِ نَفْسُهُ وَ نَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ⁸

Яъни: «Инсонни (Биз) яратганмиз, (демак), унинг нафси васваса қиладиган (кўнглидан ўтган) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз»⁹.

«Яшил ҳажм» тўпламидан жой олган «Томоша сураси» шеърига эътибор қилинса, юқоридаги фикр ўз тасдиғини топган:

سر هر کوه رسولی دیدند
ابر انکار به دوش آوردند.
باد را نازل کردیم
تا کلاه از سرشان بردارد
خانه ها شان پُر داوودی بود،
چشمشان را بستیم
دستشان را نرساندیم به سر شاخه هوش
حبیبشان را پُر عادت کردیم...¹⁰

Ҳар бир тоғнинг тепасида бир пайғамбар кўрди.

Гўё булутни кифтларида кўтариб тургандек.

Елни нозил қилдик (юбордик),

⁸ القرآن الكريم، ۱۶/۵۰

⁹ Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети, 2003. –Б. 519.

¹⁰ سهراب سپهری. هشت کتاب، صص ۳۷۵-۳۷۶

Токи бошларидан телпакларин учирсин.

Уйлари гулларга тўлган эди.

Кўзларини боғладик.

Кўлларини ақл шохининг учига ета олмайдиган қилиб қўйдик.

Чўнтақларини одат билан тўлдирдик...

Суҳроб Сипехрий ижодининг йирик тадқиқотчиларидан бири Шафеъий Кадканийнинг таъбири билан айтганда, мазкур шеърий парча Қуръони каримнинг қуйидаги оятдан қилинган «ишорали таржима» ёки «шоирона иқтибос»-дир:¹¹

وَنُعَلِّبُهُمْ افْنِدْ تَهُمْ وَ أَبْصَارُهُمْ كَمَا لَمْ يُؤْمِنُوا بِهِ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَ نَنْزِلُ لَهُمْ يَوْمَئِذٍ¹²

«Биринчи марта унга имон келтирмаганларидек, диллари ва кўзларини тескари қилиб қўямиз ва ўз туғёнларида гангиб юрган ҳолларида уларни тарк этурмиз»¹³.

Иккинчидан, С. Сипехрий қизиқиб мутолаа қилган буддизм ва қадимги ҳинд динларига оид адабиётларда ҳам инсоннинг Тангри билан яқинлиги ёхуд бирлашуви тўғрисида фикрлар бор. Жумладан, «йога» таълимотида инсон руҳининг Худо билан қўшилиб кетиши инсон ҳаётининг олий мақсади, деб ҳисобланади. Йогачиларнинг фикрича,

به نقل از کتاب: کامیل رعابدی. زندگی و شعر سهراب سپهری. ¹¹

تهران، نشر ثالث، ۱۳۵۹، ص ۴۴۸

القرآن الكريم ¹²

¹³ Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т., 2003. – Б. 141.

«инсон руҳи Худо руҳига сингиб кетиши учун инсон ўзини ташқи оламда содир бўлаётган нарса ва ҳодисалардан олиб қочиб, бутун фикр-хаёлини ўз ботинига қаратиши лозим»¹⁴.

Сипехрийнинг ҳам ҳаёт, ҳам тафаккур тарзида ана шу ҳолат – ташқи оламда содир бўлаётган нарса ва ҳодисалардан қочиш ва бутун диққатни ўзининг ички дунёсига қаратишни кузатиш мумкин. Худди шунинг учун ҳам баъзи тадқиқотчилар Сипехрийни кундалик ҳаёт ва теварак-атрофда рўй бераётган «ҳаётий-ижтимоий унсурлар»дан йироқликда айблайдилар¹⁵. Аммо бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки Сипехрий инсон ички оламини тасвирлаш ва ўзлигини англаш масаласини ўртага ташлаш орқали ўзига хос шарқона персонализм ярата олган шоирдир.

С.Сипехрий шеърларида ўз ботиний оламини топган, инсон борлигининг моҳиятини англаган, табиат ва борлиқ билан қардошлик ипларини боғлай олган инсон сиймоси тасвирланади. Бу инсоннинг ўзликни англаш сари қилган сайру саёҳати Яратганни англаш йўлидан ўтади. Шу нуқтаи назардан, С.Сипехрий экзистенциализми Худога эътиқод асосида яратилган.

¹⁴ Фалсафа: қисқача изоҳли луғат. –Т.: Шарқ, 2004. –Б. 172.

¹⁵ Бу ҳақида қаранг: اسماعيل نوری علاء. صور اسباب در شعر امروز ایران. تهران: بامداد، ۱۳۴۸، صص ۲۹۵ – ۲۹۶